

6-1-2018

BANKING SYSTEM SUSTAINABILITY: THEORY AND PRACTICES

B. Sattarov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sattarov, B. (2018) "BANKING SYSTEM SUSTAINABILITY: THEORY AND PRACTICES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 7.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**О.Б.Саттаров – ТМИ,
и.ф.н., доцент,
мустақил тадқиқотчи**

БАНК ТИЗИМИ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР

Ушбу мақолада банк тизими баҳқарорлигининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар банк тизими асосий кўрсаткичлари таҳлил этилган, иқтисодий модел асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банк тизими, Марказий банк, тижорат банк, ликвидлик, тўлов қобилияти, баҳқарорлик, модель

В данной статье рассматривается теоретико-практические аспекты устойчивости банковской системы, анализированы основные показатели банковской системы развитых и развивающихся стран, разработаны выводы на основе эконометрического модели.

Ключевые слова: банковская система, Центральный банк, коммерческий банк, ликвидность, платежеспособность, устойчивость, модель

This article discusses the theoretical, practical aspects of the stability of the banking system, analyzes the main indicators of the banking system of developed, and developing countries, developed conclusions based on the econometric model.

Key words: banking system, Central bank, commercial bank, liquidity, payment capacity, model

Банк тизими баҳқарорлик индикаторларининг мамлакат ЯИМга нисбатан ўзгариш динамикасига қараб дунё мамлакатлари банк тизими ривожланганлиги ва баҳқарорлигига баҳо бериш амалиёти кенг қўлланилади. Хусусан, 2016 йил якунларига кўра Россияда банк ялпи активлари 83 трлн. рублдан 80 трлн. рублга (ЯИМга нисбатан 99,7 фоиздан 93,2 фоизга) камайиши, ялпи банк капиталини ЯИМга нисбатан 0,1 ф.п. ошиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига 10,9 фоизни ташкил этиши, аҳоли омонатларининг ЯИМга нисбатан 27,9 фоиздан 28,2 фоизга ошиши, ажратилган ялпи кредитларнинг ЯИМга нисбатан 52,8 фоиздан 47,7 фоизга камайишини кузатиш мумкин[1]. Шунингдек, Халқаро Валюта Фондининг баҳолашига кўра 2016 йилда жаҳон ЯИМ ўсиш даражаси секинлашиши натижасида бу кўрсаткич 3,1 фоизни (2015 йилда 3,2 фоиз) ташкил этди, Европада, айниқса, Италияда муаммоли банк кредитлари салмоғи ҳанузгача юқорилигича қолмоқда.

Бугунги кунда банк тизими ва унинг элементлари соҳа иқтисодчи олимлари ва экспертлари томонидан уларнинг илмий тадқиқотларида келтирган фикр ва мулоҳазаларини топиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, ушбу соҳага оид илмий қарашлар доимий такомиллашиб бормоқда, бунга сабаб

«банк тизими» ўзгариб боровчи, динамик хусусиятга эга бўлган тизимлардан бири ҳисобланади.

«Барқарорлик» тушунчаси хорижлик олимлар, мутахассислар томонидан ўрганилган ва тегишли таърифлар берилган.

Инглиз олимлари чоп этган нашрларида «барқарорлик» -бу доимий жойлашув, маълум бир объектнинг тенглик ҳолатини таъминлаш, маълум бир алмашув натижасида олдинги ҳолатига қайтиши[2]. Француз олимлари томонидан чоп этилган нашрларда «барқарорлик» -бу ҳамма вақт бир хил ҳолатда амалга ошириш мумкин бўлган нарсанинг тавсифидир[3]. Немис олимлари томонидан чоп этилган нашрларда эса, «барқарорлик» тебранмаслик ҳолати сифатида талқин этилади[4]. Рус олимлари чоп этган энциклопедик нашрларда «барқарорлик» – бардош бермоқ, қарши турмоқ, қилт этмаслик, кучга қарши қаттиқ туриш, кучга қарши маҳкам туриш, йўл бермаслик, пухта, чидамли, маҳкам, қаттиқ маъноларини[5], шу билан бирга «барқарорлик» – 1) мустаҳкам ушлаб турмоқ, тушиб кетмаслик, қилт этмаслик; 2) доимий, маҳкам, силкинишга йўл қўймаслик, қад ростлаб турмоқ мазмунларида келади[6].

О.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган монографияда «...барқарорлик – бу ҳаракатнинг элементларидан биридир. Амалий нуқтаи-назардан олиб қараганда бу шуни англатадики, банк фаолияти жараёнида нафақат амалдаги даражани сақлаб қолиш, балки фаолиятни ривожлантириш, кенгайтириш бўйича қарорлар қабул қилишни талаб қиладиган нисбатан мураккаб вазифалар пайдо бўлиши мумкин»[7]. Россиялик иқтисодчи олим Г.Фетисов ҳам ўз илмий ишларида «барқарорлик» фақат прогрессга, яъни ривожланишга қараб интилиш деб таъкидлайди[8].

«Барқарорлик» хусусида билдирилган фикрлар ўртасида сезиларли даражада фарқланиш мавжуд бўлиб, унда икки хил ҳолат кўзга ташланди. Биринчи ҳолатда, «барқарорлик» деганда – тебранмас, турғун ҳолат кўзда тутилган бўлса, иккинчи ҳолатда эса, «барқарорлик» олдинга интилиш, тараққиёт сифатида қаралди. Фикримизча, ҳар иккала ҳолат ҳам барқарорликка хос бўлиб, барқарорликни ҳар қандай шароитда эришилган даражани сақлаб қолган ҳолатда, ривожланиш сари интилиш, дея таърифладик. «Барқарорлик» тушунчасини таҳлил қилиш натижасида, биз дастлаб қуйидаги хулосаларни шакллантирдик: «барқарорлик» статик ҳолат эмас, балки динамик хусусиятга эга бўлган жараён; «барқарорлик» бу доимий ижобий томонга қараб силжиш, оз бўлсада лекин ривожланишга қараб интилишдир; барқарорлик ривожланишнинг комплекс тавсифи бўлиб, унинг барча жабҳалардаги ички ва ташқи муносабатлардаги аҳамиятини ўз ичига олади; «барқарорлик» фаолиятнинг миқдорий ва сифат даражасини тавсифлаши шакллантирилди.

Юқоридаги илмий хулосаларни умумлаштирган ҳолда «банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда ривожланишга қараб интилишидир» деган хулоса шакллантирилди.[9]

Банклар рентабеллигини ошириб бориш унинг барқарорлигини таъминлашда энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банклари ёки банк тизими активлари рентабеллик (ROA) кўрсаткичларини доимий таҳлил этиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки айнан ушбу кўрсаткич орқали банк рискларини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. ROA ни таҳлил этиш натижасида банкларнинг кредит rischi, фоиз rischi, ликвидлик rischi, операцион риск ҳамда банк фойдалилик даражасига таъсир этувчи ҳар қандай рискларини баҳолаш имкони пайдо бўлади. Қуйидаги жадвалда 2007-2014 йилларда айрим давлатлар банк тизимида активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичи дисперсияси ва унинг ҳисоб-китоби келтирилади[10].

1-жадвал

Дисперсия ҳисоб-китоби

Мамлакатлар	Ўртача	Стандарт чекиниш	Вариация коэффиценти
АҚШ	0,69	0,43	0,62
Буюк Британия	0,11	0,34	3,09
Германия	0,05	0,22	4,4
Россия	1,29	0,56	0,43
Ўзбекистон	1,24	0,29	0,23

Ушбу жадвал маълумотларидан, Буюк Британия ва Германия давлатларида вариация коэффиценти нисбатан таҳлил этилаётган давлатларга қараганда юқори ҳисобланади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу кўрсаткичда Буюк Британия ва Германияда беқарорлик ҳолати кузатилганлигидан далолат беради. Қолган таҳлил этилган давлатларда барқарор, бир маромда ўзгаришлар бўлган деган хулоса қилинади.

Шу билан бирга айрим давлатлар банк тизими активлари рентабеллик кўрсаткичлари ўзгариш динамикаси қуйидаги расм маълумотларида келтирилади.



1-расм. Банк активлари рентабеллик даражаси динамикаси, %[11]

Банк тизими барқарорлик даражасини баҳолашда Халқаро банк назорати бўйича Базел қўмитаси ва унинг тавсиялари катта аҳамият касб этади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банклари ликвидликни қоплаш меъёри ва соф барқарор молиялаштириш меъёрларини бажариш ҳолати [12]

№	Банклар	2016 йил 1 январ		2017 йил 1 январ	
		ликвидликни и қоплаш меъёри (min =0,80)	соф барқарор молиялашти риш меъёри	ликвидлик ни қоплаш меъёри (min =0,80)	соф барқарор молиялашти риш меъёри
1.	Асака банк	1,001	0,697	1,307	0,856
2.	Ўзсаноатқурилиш банк	2,259	1,200	1,829	1,035
3.	Халқ банк	1,262	1,207	1,067	1,202
4.	Қишлоқ қурилиш банк	2,541	0,786	2,050	0,945
5.	Ипотекабанк	1,320	0,772	1,246	0,985
6.	Микрокредитбанк	1,784	1,074	1,618	0,914
7.	Ипак йўли банк	2,066	1,060	2,161	1,182
8.	Турон банк	1,279	0,756	1,952	0,989

Албатта ушбу кўрсаткичларни доимий назорат қилиб бориш зарур ҳолларда кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тижорат банкларида юзага чиқиши мумкин бўлган турли муаммоларни олдини олиш имконини беради.

2017 йил 16 июнь куни ПҚ-3066 «Тижорат банкларининг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар» бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинди. Президент қарорига мувофиқ тижорат банклари капиталлашуви даражасини қўллаб-қувватлаш, банк тизими молиявий барқарорлигини ошириш ва уларнинг инвестицион лойиҳалар ҳамда тадбиркорликни молиялаштиришда иштирок этишини кенгайтириш учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш фонди маблағлари ҳисобидан 500 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан 9 та тижорат банклари устав капиталидаги давлат улушини ошириш белгиланди. Бу эса тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжларни қондириш ва охир оқибат иқтисодий ўсиш ва самара олиб келишига хизмат қилади.

Шу билан бирга мамлакатда инфляция даражасига нархларнинг мавсумий ўзгариши ҳамда таклиф омиллари билан бир қаторда иқтисодий кредитлаш ҳамда миллий валюта девальвациясининг ўтган йилга нисбатан юқорида суръатларда ошиб бориши ҳам ўз таъсирини ўтказиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасини қайта кўриб

чиқди ва 5 фоизли пунктга ошириб, 2017 йил 28 июндан 14 фоиз қилиб белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан инфляция ўсишининг олдини олувчи таъсирчан чора сифатида қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- монетар омилларнинг нархлар даражаси ўсишига таъсирини ва инфляцион хатарларни чеклаш ҳамда инфляцияни мақсадли кўрсаткичлар доирасида сақлаб қолиш;
- ижобий реал фоиз ставкаларини таъминлаш ва иқтисодиёт реал секторини кредитлашда мувозанатли шароитларни яратиш;
- валюта курси шаклланишининг эркин бозор режимига ўтиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш;
- нархлар барқарорлиги ва паст инфляцион кутилмаларни таъминлаш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли инвестицион қўйилмаларни рағбатлантириш орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай иқтисодий шароитларни шакллантириш.

Истеъмол бозорида нархлар барқарорлиги ва инфляцион хатарларнинг пасайишига эришилиши билан қайта молиялаш ставкаси қайта кўриб чиқилиб, пасайтириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга (№2709, 13.08.2015 й) ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Мазкур низомнинг 43-банди «Банклар мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида лаҳзали ва жорий ликвидлилик меъёрларини бажаришлари лозим» деб ўзгартирилди. Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти 2017 йил 1 августдан бошлаб 10 фоиз, 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб 15 фоиз, 2018 йил 1 январдан бошлаб 20 фоиздан кам бўлмаслиги лозим» деб белгиланди. Лекин ушбу меъёр бугунги кунда яна 10 фоизга пасайтирилди. Бизнинг фикримизча, бу тижорат банклари кредит ресурсларини самарали бошқариш, инфляция даражасининг нормаллашиши, валюта курсининг барқарорлашишига олиб келади.

Банк тизими барқарорлигини эконометрик баҳолаш мақсадида биринчи навбатда биз банк тизими барқарорлигини қандай ўлчаш мезонини, мавжуд статистик маълумотлардан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлиги индексини яратишга ҳаракат қилдик. Индексни биз қуйидаги тенгликдан фойдаланилган ҳолда ҳисобладик:

$$I_t = 0.25 * K_t + 0.25 * L_t + 0.1 * S_t + 0.2 * ROA_t + 0.2 * ROE_t$$

Қуйидаги жадвалда индексда фойдаланилган кўрсаткичлар ва уларнинг индексдаги ҳиссаси келтирилган.

3-жадвал

Банк тизими барқарорлиги индекси

Шартли белги	Индикаторларноми	Индексдаги улуши
I_t	Банк тизими барқарорлиги индекси	-
K_t	Капитал етарлилик даражаси, %	0.25
L_t	Ликвидлик меъёри, %	0.25
S_t	Spread	0.10
ROA_t	ROA (умумий)	0.20
ROE_t	ROE (умумий)	0.20

Эконометрик таҳлил иқтисодий маълумотлар асосида амалга оширилган бўлиб, асосан етти йиллик кузатувларни ўз ичига олди. Ушбу статистик маълумотлар номинал қийматлардан реалга ўзгартирилди ва логарифм олиниб кўлами нормаллаштирилди.

4-жадвал

Ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси ва статистикларнинг қисқача баёни

Шартли белги	Таърифи	Ўртачаси	Стандард ўзгариш	Мин.	Мах.	$\text{Log}(I_t)$	$\text{Log}(Y_t)$	$UZIBOR_t$	K/A_t
$\text{Log}(I_t)$	Банк тизими барқарорлиги индекси логарифми	1.97	0.13	1.78	2.15	1.00			
$\text{Log}(Y_t)$	Реал ялпи ички маҳсулот логарифми	9.75	0.79	8.9	10.9	0.62	1.00		
$UZIBOR_t$	Банклараро ўртача фоиз ставкаси	12.04	0.92	11.2	13.3	0.46	-0.18	1.00	
K/A_t	Ялпи капиталнинг ялпи активларга нисбати, %	1.39	0.01	1.37	1.40	-0.84	-0.88	-0.25	1.00

Банк барқарорлиги индекси бешта кўрсаткич ёрдамида яратилгани учун бу беш кўрсаткичнинг ўзгариши индекс ўзгаришига таъсири табиий ҳолдир. Мамлакат реал ялпи ички маҳсулоти ва молиявий тизим бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун реал ялпи ички маҳсулот ошиши банк тизими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу тахминнинг қанчалик реалликка мослигини текшириб кўриш учун реал ялпи ички маҳсулотнинг банк тизими барқарорлиги индексига таъсирини оддий чизикли регрессион таҳлил қилиб кўрдик. Натижани текшириб кўриш учун эконометрик моделга банклараро ўртача фоиз ставкаси ва ялпи банк капиталининг ялпи банк

активларига нисбати киритилди. Қуйидаги жадвалда ушбу ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси ва статистикаси қисқача баёнини келтирамиз.

Иқтисодий гипотезанинг эмпирик синовдан ўтказиш учун қуйидаги эконометрик моделдан фойдаланамиз.

$$\text{Log}(I_t) = \beta_1 \text{Log}(Y_t) + \beta_2 X_t + \varepsilon_t$$

Бу ерда, $\text{Log}(I_t)$ изоҳланувчи $\text{Log}(Y_t)$ эса бизнинг асосий изоҳловчи ўзгарувчимиз ҳисобланиб X_t назорат қилувчи ўзгарувчилардир, ε_t моделдаги хатоликни ифодалайди.

Ушбу моделдан фойдаланган ҳолда биз учта оддий чизиқли регрессияни амалга оширдик. Биринчи регрессияда ҳеч бир назорат қилувчи ўзгарувчиларсиз оддий чизиқли регрессияни амалга оширдик. Регрессия натижаси статистик жиҳатдан тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Иккинчи оддий чизиқли регрессияни индексга таъсир этувчи яна бир омилни назорат қилувчи ўзгарувчи сифатида регрессияга киритиб амалга оширдик. Учинчи регрессияда индексга таъсир этувчи икки қўшимча омилларни назорат қилувчи ўзгарувчи сифатида киритиб оддий чизиқли регрессия амалга оширдик. Хар иккала регрессия натижаларига кўра бизнинг асосий изоҳловчи ўзгарувчимиз, яъни реал ЯИМ позитив таъсирга эга ҳамда статистик жиҳатдан муҳим. Шунингдек, назорат қилувчи ўзгарувчиларимиз ҳам позитив таъсир этувчи омиллар бўлиб, уларнинг таъсир кўлами реал ЯИМдан кўра сезиларли даражада паст аммо статистик муҳим. R-квадрат натижаси барча регрессияда 0.99 дан юқорилиги сақланиб қолди. Қуйидаги жадвалда модел натижаларини келтириб ўтамиз.

5-жадвал

Банк тизими барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Изоҳланувчи ўзгарувчи: $\text{Log}(I_t)$			
Изоҳловчи ўзгарувчилар	Модел (1)	Модел (2)	Модел (3)
$\text{Log}(Y_t)$	0.701*** (0.016)	0.409*** (0.080)	0.328*** (0.022)
UZIBOR		0.060** (0.017)	0.029*** (0.005)
К/А			0.038*** (.003)
R^2	0.9966	0.9986	0.9999

*** Статистик аҳамиятлик даражаси 1%

** Статистик аҳамиятлик даражаси 5 %

Хулоса ўрнида, алоҳида олинган тижорат банки барқарорлиги банк тизими барқарорлигига, банк тизими барқарорлигини таъминлаш учун эса мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ошиб бориши эвазига эришиш мумкинлиги аниқланди. Шу билан бирга банк тизими барқарорлигини ошириб бориш ёки такомиллаштириб бориш мақсадида тижорат банклари капиталлашиш даражасига катта эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ

эканлиги, унинг оқибатида тижорат банклари ресурс базасининг мустаҳкамланиши ва охир оқибат мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашга ва мустаҳкамлашга эришиш мумкинлиги аниқланди. Шунинг қайд этиш керакки оддий чизиқли регрессион таҳлил бир неча кучли Гаусс-Марков фаразлари асосига қурилган бўлиб, ушбу фаразларнинг тасдиқланмаслиги ишончсиз натижага олиб келади.

Банк тизими барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни шакллантирдик:

- Банк тизими барқарорлигини ошириб боришда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ўсиш даражасини таъминлашга хизмат қиладиган банк хизматларини ошириб бориш;
- Банк тизими барқарорлигини энг аввало, алоҳида олинган тижорат банклари ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш орқали, шунингдек, банклар капиталлашув даражасини ошириб бориш;
- Банк рискларини самарали бошқариш мақсадида банк активлари рентабеллиги ва капитал рентабеллигини таҳлил этиб боришлари ва зарур ҳолларда уларни яхшилаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Базел қўмитасининг Базел III талабларини барчасини чуқур ўрганиш ва мамлакат банк амалиётида тавсияларини тўлиқ амалиётда қўллашга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Отчет о развитии банковского сектора и банковского надзора в 2016 году. Банк России. М., 2017., С. 13-14.
2. Shorter Oxford English dictionary. Vol. 2.
3. Le Grand Robert de la française. Т. 8.
4. Meyers Grosses Universal Lexicon, 1981. Т 13.
5. Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка: В 4 т. М.: Русский язык, 1979. с. 515.
6. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений/ РАН. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. 4-е изд., доп. и перераб. М.: Азбуковник, 1999. с. 841.
7. Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики. Монография. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2014. – С.37.
8. Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы. -М.: Финансовая академия, 2002. - С. 25
9. Никитина Т.В. Банковский менеджмент. -СПб.: Питер.- 2002.-76 с.
9. О.Саттаров. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш: назарий ва амалий жиҳатлар. Монография.-Т.: Turon zamin ziyo, 2016.-27 б.
10. О.Саттаров. Анализ обеспечения устойчивости банков путем управления рисками // Деньги и кредит. Москва. №4, 2017. стр. 51-53
11. www.worldbank.com
12. www.cbu.uz